

КИШИЛОК ХАЖЖАТИ

1990 йил 3 февраль
ШАНБА
№ 29 (4.823)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

ФЕВРАЛЬ, ЯЪНИ ДАЛВ:

Эрта-индин қиш чилласи чиқади, қантар оғади, ер бағрини ёрганича буғ кўтариледи, ҳар қанча қор тушмасин, эриб кетаверади.

Илиқ-иссиқ, пана-пастқам жойларда бодом қийғос гуллайди, навбаҳор даракчилари—бойчечак, чучмома, бинафша чирой кўрсатади.

Боғбон тоққайчисини, дастаррасини, деҳқон кетмонини қўлти олади.


Ййловларда совлиқлар «бўшаб», кўзилар маъраши эшитилади.

«Иш қуролнинг соз бўлсин»—бу шор мартга кўчса борми, панд еб қоламиз.

Шўр ювиш, яхоб бериш, ғаллазорни суғориш ва ўғитлаш—баракали ҳосил омилларидир.

Ўтган йил сарҳисоби чиқарилади, меҳнатқашини ҳақи қўлга тегеди, қишлоқда касбий ўқиш уюштирилади.

Туй-ҳашам, гап-гаштак, ўлану дoston тинглаш, кўпқарию улоқ чопиш, сайру саяхатга чиқиш, дам олиш, куч тўплаш палласи бу!



ПҶЛАТ ДҶХТИР

Туғилиб ўсган юртим — Яккабоғ районининг Қўшилш, Қалта, Узун, Қўлтөпа қишлоқларида умргузаронлик қилувчи одамларнинг дилхуш гурунгариди ушбу гап-сўзларни кўп бор эшитганман: кимдир соғлиқдан нолиб оғиз очса, даров «Пўлат дўхтирга кўриндингизми? Нима деди?» — дейишди... Аёллардан кимдир: «Боламинг иситмаси чиқаяпти», — деб қўлса, даров «Пўлат дўхтирга кўрсатин!» — деб маслаҳат беришди. Иссиқ жонинг иситмаси бор. Ўттиз уч йилдирки, Пўлат дўхтирнинг даровзаси қулаб кўрмаган... Кечами, кундүзми, бу ховдон ҳамиша очик. Юмуш билан келган одамга фалон эди, писмадан эди, демай у билан етаклашиб кетаверарди... Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида «Бу ховдондан ҳеч бир киши норизо бўлиб кетмаслиги керак!» деган ақидади ҳайда яшаш матноси деб билган Юсуфбек хонин Отабекни ёнига ўтказиб бу дунёда яшаш ташвишларидан сабоқ берганидек, Юсуф бобо ҳам ўғлини ёнига ўтиргизиб насихат қилгучи эди: «Биров билровиникига бекорга келмайди. Одамнинг етмиш икки томири, уч юз олтимиш бўғими эгилиб боради. Ўғлим,

сендан нажот кутиб келган одамнинг ана шу ҳолатини тўшуни, бунидан келган хизматни яма. Олти юзма, дуо ол, деб бежиз айтишмаган. Унутма, табиблик Луқмони Ҳакимдан мерос. Бу мероси мол-давлатдан устун билди». Ўттиз уч йилдан бери фельдшер-акушер бўлиб ишлаётган, бир кам эллик яшар Пўлат Юсуповнинг сочлари эл хизматига оқарди. У 1958 йил Қарши медицина билми юртини тамомлаб ишга келганида ҳозирги «Ленин учқуни», «Партия XXIV съезди», «Калинин номили колхозларга қарашли қишлоқларда бирорта оли маълумотли врач йўқ эди. Пўлат дўхтир мудири бўлиб ишлайдиган фельдшер-акушерлик пунктидан район марказий шифохонаси 40 қақирим, туғуриқона эса 12 қақирим нарди. Илтич роқларни, тош йўл, водопровод деган нарсалар 1970 йилгача бу ерда яшовчи

одамларнинг тушига ҳам кирмаган. Пўлат дўхтир 1970 йилгача 600 та бола-чага киндигини, кестамини, деб мақтаниб кўяди. Шу боис Қўшилш, Қалта, Узун, Қўлтөпа қишлоқларида туғилган 600 бола Пўлат дўхтирни ё туғишган бобо, ё тоға, ё амаки, ё ака деб қақиради... 1984 йил қишда содир бўлган бир воқеани Пўлат ака ҳанузгача унутмайди. Иқбол Алиқулова исмли аёл бирданга 4 та чақалоқ туғди. Уларнинг киндигини кесган Пўлат дўхтир шобиб қолди: Она ва чақалоқларни раис машинасида колхоз идорасига олиб боришди. У ерда «тез ёрдам» шай турарди. Ҳаво ҳалдан эиёб совиқ, йўл шариоти оғир. Учта чақалоқнинг умри қисқа экан... Тўртинчиси — Каромат омон қолди. Ҳозир икки фарзандинг онаси. Пўлат дўхтир бевақт нобуд бўлган ўша учта чақалоқни ҳанузгача хотирга олади.

Ўшанда уларни 40 қақирим узоқлидаги район шифохонасига олиб бориш шартиди? Балки уйда «кўзи ёриган она, тўрт чақалоқ ота-боболарнинг айналарига кўра парвариланганида, эҳтимол ҳозир учта дўхтир келинча бўлармиди? Иқбол опага ана ҳам иқбол кўлиб боқармиди? Наҳора, тандир бешинги тебратган она табиат ҳар доим ҳам таътилик қилавермас экан...

Пўлат дўхтир 1975 йил «СССР соғлиқни сақлаш аълочиси», 1978 йил «СССР санитария маорифи аълочаси», «Социалистик мусобақа голиби», «Меҳнат ветерани» нйшоналари, «Қизил Крест ва Қизил Ярим ой» жамятининг ёрликларига сазовор бўлди. У 1970 йилдан бери Чойдари қишлоқ Совети делегатлигига сайланиб келди. Халқ дардини ўз даридек ағлай олиш хуsusияти уни ана шу катмарин «мансаб»га рўбарў қилди.

Пўлат Юсупов 1966 йил Қарши педагогика институтини битирганидан кейин Макаренко номили ўрта мактаб рус тили ва адабиятидан, медицина-санитария тайёрларидан ўқувчиларга сабоқ бера бошлади.

— Болалар — бизнинг истиқболимиз, — дейди у. — Мурғак, бегубор қалбларни тарбиялаётганимизда келажакимизни ҳам, тарбия қилаётганимизни унутмаслик керак. — Пўлат Юсупов ҳамкасбларига бу ўзларини айтишдан толмайди.

Яқинда Пўлат Юсупов ҳаётида яна бир унутилмас саҳифа очилди. Унга халқ юксак ишонч билдирди. Яккабоғ районидан 238-Сандал сайлов округида Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

— Халққа медицина хизмати кўрсатишни ахшираш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун кураш олиб бориш — ҳаракат дастурининг негизини ташкил этади, — дейди у сайловчилар билан бўлган учрашувида. — Агар депутатликка сайлансам, аввало одамлар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Халқ хизмати йўлида куч-қувватини, гайрат-шижоатини, билиминини ангамайман...

Пўлат Юсуповнинг сайловди ҳаракат дастури билан танишган киши унда ижтимоий адолат учун кураш, иқтисодий омилкорлик, эл соғлиғи, маънавий қадриятларни эъозлаш, экологик муҳитни ахшиллашга кучи етганга бел болганча оддий инсон қалбининг ифодасини ўқайди.

Ғ. ҒАҒУРОВ, филология фанлари номзоди, доцент.

КОМИТЕТ МАЖЛИСИ

1 февраль куни СССР Олий Совети раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов раислигида СССР да жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Муваққат комитет аъзолари бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари СССР халқ депутатлари II съездининг «Уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан ўзлари кўраётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот бердилар.

Савдодаги суиестеъмолликлар ва чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги масала кун тартибидидаги асосий масала бўлди. ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, СССР Ички ишлар министрлиги социалистик мулкни талон-торож қилишга ва чайқовчиликка қарши кураш бош бошқармасининг бошлиғи В. И. Руниншков, СССР савдо министрлигининг биринчи ўринбосари П. Д. Кондрашов, СССР Центросоюз правленесининг раиси П. С. Федирко, Москва шаҳар касаба союзлари Советининг раиси В. П. Шчербаков ахборот бердилар.

1989 йилнинг октябрида комитетнинг бундан аввалги мажлисида ушбу масала кўриб чиқилгандан бери ўтган вақт ичида савдодаги ишларнинг аҳоли барқарорлашиши у ёқда турган, балки анча ёмонлашди. Истеъмол бозорига ошқора қризисли ҳолатлар пайдо бўлди. Яқин вақт ичида гоёт дадил ва тўрт чоралар қўрилмас, бундай ҳолатлар кучайиши мумкин.

Ҳозирги шариотда давлат ва кооператив савдосининг айрим бўғинлари уюшган жиноятчилик ҳамда давлат ва хўжалик аппарати муайян қисмидаги горахўрликнинг моддий базасига айланмоқда. Жиноятчи гуруҳлар хўжалик механизми тақомиллаштирилмаганлигидан, кооператив ҳаракатдаги бузилишлар ва пинҳона иқтисодидан фойдаланиб ўз қўлларидан катта миқдордаги маблағларни жамламолдар.

Комитет Москвадаги жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитетининг раиси В. Т. Сайкиннинг ахборотини тинглади ҳамда яқин вақт ичидаги қонунийликни ва пойтахт аҳолиси турмушининг мустаҳкам хавфсизлигини таъминлаш учун Москва шаҳар кенгаши белгиланган тадбирларни амалга қилди.

Утган йилда жиноятчиликнинг қўпайганлиги тўғрисидаги материаллар ва маълумотларда хўкуқ-тартиботи мустаҳкамлашнинг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

(ТАСС)

ОЧИҚ ФАЗОДА СИНОВЛАР

Учишни бошқариш маркази. Учиш программасига биноан Александр Викторенко билан Александр Серёров очик космик фазога тўртинчи марта чиқди ва одам бошқаридан комплекснинг ташқарисида космонавтининг ҳаракат қилиши учун мўлжалланган қурilmани биринчи бор синовдан ўтказдилар.

Космонавтининг ҳаракат қилиш қурilmаси орбитага «Квант-2» кўнмишқа жиҳозлаш модулида етказиб берилган эди. Бу қурilма елкача осилдиган аппаратдан иборат бўлиб, у сиқилган ҳавода ишлайдиган реактив двигателлар ёрдамида ишлайди. У электр таъминоти, ҳаракатини бошқариш ва радиотелеметрия автоном системалари билан жиҳозланган. Қурilmада яна ёндашиб келиш мосламаси билан тўташтришга мўлжалланган махсус узел бор, бу узелни космонавтар билан илгари очик фазога чиқаришга ўрнатилган эди.

Александр Серёров очик космос фазода ана шу қурilма билан ишлади. Очик космосга чиқиб олдики космонавтар снафдан келишди, бортинженер қурilmада ўз ўзини ағдалади ва унга мустаҳкам ўрнатиб олди.

Москва вақти билан соат 11 дан 15 минут ўтганда «Квант-2» модули шлоз бўлмасининг элиги очилди ва экинаж очик космосга чиқди. Космонавтар чиқиб эшиги олдида туршиганда қурilmани ёндашиб келиш

мосламаси билан тўташтридилар ва унинг бошқаруш органлари бўлган пульталарини ишга шайладилар. Синовлар бир неча боекчада ўтказилди. Бортинженер дастлаб қурilmанин барча системалари ишини текшириб кўрди, шундан кейин ёндашиб келиш мосламасидан ажралди. Александр Серёров двигателлар ишини бошқара туриб, орбита комплексдан турли масофага узоқлашди, фазода ҳар хил ҳаракатлар қилиб кўрди. Айни вақтда чиқиб эшигидан 33 метрдан кўп масофага узоқлашмади.

Белгиланган синовлар якунлангандан кейин иккала космонавтар шлоз бўлмасига қайтди. Экинаж очик космосда 4 соату 59 минут ишлади. Дастлабки синовлар чоғида қурilmанин иш хусусиятлари текширилиди, уни оқсон бошқарилиши ва маневр қилиш қобилияти ишнинг пухта эканлиги тасдиқланди. Хавфсизлики таъминлаш мақсадида троедан фойдаланилди, трое қурilmани орбита комплекс билан боғлаб турган эди. Экинажнинг очик космосдаги ишининг барча босқичларида командир бортинженернинг ҳаракатларини муттасил назорат қилиб турди. Космонавтар ҳаракат қилиш қурilmасининг кейинги синовларини 5 февраль куни ўтказиш мўлжалланмоқда. Уни экинаж командири бошқаради. Александр Викторенко ва Александр Серёровнинг саломатлиги яхши. Орбитадаги иш давом этмоқда.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СССРГА ТАШРИФИ ҲАҚИДА

Ўзаро келишиб олинганга мувофиқ ЧССР президенти В. Гавел 1990 йил февраль ойининг охирида Совет Иттифоқига ташриф буюрди.

ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

БУЛУНҒУР РАЙОНИ ХҲЖАЛИКЛАРИДА МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРНИ СОЗЛАШДА ИККИ ХИЛ МАНЗАРА КўЗГА ТАШЛНАДИ

Неъмат Ниёзов Тошкент автомобил-йўллар институтини тугатган. Етти йил мобайнида турли меҳнат коллективларида ишлади. Тўрт ойдики, у Булунғур районидида «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» совхозининг бош инжениери. Шунга қарамастан унинг ташкилотчилиги, жонкуярлиги кўзга яққол ташланмоқда. Техника воситаларини кўкламги экан-тикишга созлаш жадал бораётгани шундан даволат беради. Ҳозирга қадар 14 та Т-28Х-4, 5 та МТЗ-80 маркали чопиқ, 9 та ДТ-75, 4 та Т-4 маркали ҳайдов трактори дала ишларига тахт қилиб қўйилди. Қолганлари ҳам 15 февралгача қўлдан чиқарилади.

Бош устакхонада совхозчи-чилангарлар, механизаторларнинг унумли меҳнат қилишлари, қўнғилил ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шариотлар яратилган. Маъмурият, партия, касаба уюшмаси ва комсомол ташкилотлари ҳамда меҳнат коллективни кенгаши қарори билан техника воситаларини созлашда қатнашганлар ўр-тасида социалистик мусобақа намунали ташкил этилган. У ҳар беш кунда яқунлаб, 30 сўмдан бошлаб 50 сўмгача мукофот берилаяпти. Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларга бепул иссиқ овқат бериш йўлига қўйилган. Рисоладагидек жиҳозланган дам

олиш хонаси, ҳаммом коллектив хизматига. — Ҳаммомни узлуксиз ишлатишга ҳаракат қилаяпти, — дейди Неъмат Ниёзов. — Негаки, ишдан сўнг ювниб, покланишга не етсин. Қурувчилар уни барпо этишгаётганида водопровод тармоғига улашни унутинган экан. Натияжада ҳозирча сув ташиб келтириляпти. Бу йил ана шу ташвишга чек қўйилади.

Маълумки, барча хўжалиқларда эҳтиёт қисмлар тақилди. Бу ерда ҳам мазкур муаммо ишга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Лекин ҳеч ким қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Айниқса, чилангар-созловчилар имкониятларини қидириб толмоқдалар. Ҳисобдан чиқарилган техника воситаларининг ишга яроқли қисмларидан кенг фойдаланиляпти. Тақсимот устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Бош инженернинг айтишича, фойдаланиш муддатига тугаган машина-механизмларнинг бошқа хўжалиқлар билан ўзаро келишувга мувофиқ зарур эҳтиёт қисмларга айирбошланишиг йўлга қўйилган ҳам муаммони ечишда кўл келмоқда. Масалан, ҳисобдан чиқарилган ДТ-75 маркали хайлов трактори Жомбой районидида «Октябрь» колхозига топширилди, унинг ўрнига Т-54 В маркали трактор мотори олинди. Бу жараён албатта қўнғун-қонда асосида олиб борилмоқда. Устакхона ҳудуди саран-

жом-сарийшта, Беллашувда Т. Аброров, М. Маҳрамов, Р. Қаршибоев каби механизаторлар, Н. Абдураҳмонов, О. Ганиев, Я. Кемпел сингари чилангарлар пешқадам. Улар ишга сийдирил ёндашиб, кунлик топириқни 1,5—2 хисса ошириб адо этишяпти.

Фозил Йўлдош номили совхозининг бош устакхонасига борсангиз, бутунлай ўзгача манзаранинг гувоҳ бўласиз. Ҳолияга қадам босиш мушкул: билч-билч лой ва балчиқ.

— Яқинда 20 текча бош тўктирдик, — деди бош инженер Бурҳон Ашуров хотиржамлик билан. — Шундан сўнг сал эпақага келди. «Эпақага келгани» шу бўлса, авваллари бу ерда ишловчилар оёғига яқкачўп боғлаб юришаркан-да!

...Соат миля 16 га яқинлашмоқда. Шу чоғ устакхона томондан уч нафар йигит чиқиб келди. — Иш ва дам олиш учун шариот борми? — салом алиядан кейин уларни савдога тутидим. — Шариотми? — юзлари совуқдан қўқариб кетган ёш ишчи қўлларини ишқалаб, лойга ботган кирза этинини бир-бирига урадики, шерикларига маъноли боқди. — Емон эмас... Унинг гап оҳангидан «Агар ёмон десак, яхшисини яратиб берамизми?» деган писанда аңгиланди.

Шундай бўлса-да, уларнинг қўнғилига йўл топиш пайидан бўлди.

— Хойнаҳой, ҳозир ҳаммомга кириб, ювиниб чиқсаларингиз керак, — дедим йигитларнинг қорамой чалланган қўлларига ишора қилиб.

— Э-э, қаёқда дейсиз, — улардан бири асабий ҳолда қўл силтади. — Қўл чайишга хатто иссиқ сув топилайми-ю? Ҳаммом фақат ёзда, совиқ сув билан ишлайди.

Бўралаб ёғаетган қор остидаги сўхбатимиз анча давом этди. Йигитлар шариотларини оғирлиқидан раҳбарларга соғун ва порпошқ билан тўшлик олдидан ва ишдан сўнг қорамойли дўлларини фақат совиқ сув билан ювишларидан кейин таъйрланади, лекин нархи бир сўм. Ҳар ойда 60—70 сўм маош олаётган ишчи бу албатта қимматлик қилади. Наҳотки, касаба уюшмаси ташкилоти қишли-қировли кунларда устакхонада бел бўлган ходимларга бепул иссиқ овқат ташкил этиш ҳақида гам-хўрлик қилмаса? — Маъсалимиз шундай эди, — бош инженер Б. Ашуров ўзини оқлашга уринди. — Лекин директоримиз отпускига чиқиб кетган, бунинг иложи бўлмай қолди.

Ана қолса, яқка раҳбарнинг изми билан иш юритиш даяри ўтиб кетмадими? Қолаверса, касаба уюшма-

си ташкилоти, меҳнат коллективни кенгаши бундай шариотда нега ташаббускорлик кўрсатишмайтир?

— Винойидек ҳаммомларнинг бор экан, у нима сабабдан ишламапти?

— Керосин йўқ, — жавоб қилди устакхона мудири З. Ҳамдамов. — Масумда бир тоина керосин сарфланади. Лекин маъмурият уни ажратиб бермапти. Бунинг устига устакхонамиздан бор-устига 200 қалам наридаги ховдонларга табиий газ келтирилган. Ундан ҳам бебаҳарамиз.

Созлаш ишлари очик ҳаво бақариляпти. Шу боис ишда унум йўқ. Ҳозиргача 2 та Т-4, 5 та Т-54 В, 8 та ДТ-75, 4 та Т-28 Х-4 маркали трактор қўлдан чиқарилган ҳолок.

Уларда ҳам жузўйи камчиликлар мавжуд, — очикчасига тан олди бош инженер. — Вирнида винт етишмаса, бошқасининг электр қурilmаси яхши ишлайди.

Бурҳон Ашуров бу соҳада янги одам эмас. Тақрибаси, билими етарди. Бирок буларни амалда қўлланшда бош мутахассисда қатъийлик, ташаббускорлик етишмапти. Бундан бир неча йил муқаддам район партия комитетининг ташаббуси билан ҳар бир совхознинг бош устакхонаси ва фермасида фин ҳаммоми қурилган эди. Бу қўлайлик барчага манзур бўлганди.

Бугун, «Ғалабанинг 40 йиллиги», «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги», «Красногвардейский» совхозларини истисно этганда, бошқа хўжалиқларда мингмиглаб сўм маблағ эвазига бунёд этилган ана шу ҳаммомлар нима учундир ишлатилмаптир. Бу ҳол албатта меҳнат маромига таъсир кўрсатапти.

Қ. ХАЛИЛОВ.

МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

1 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР «Билим» жамяти ҳузурда ташкил этилган миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия масалалари республика комиссиясининг йиғилиши тугади. Ушбу комиссия аъзолари — файласуфлар ва сиёсатшунослар, социологлар ва ҳуқуқшунослар, халқ хўжалиғи турли тармоқларининг мутахассислари ўтган йилда қилинган ишларга яқун ясади.

Партиянинг миллий муаммоларни ҳал этиш бора-сидаги сиёсатини тарғиб қилиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маъмур программани рўёбга чиқаришга доир амалий тадбирларини атрофича тушутириш, бу ишга одамларни фаол сафарбар этиш ҳисобот даврида комиссия шинининг асосий йўналиш бўлганлиги таъкидланди.

Йиллик йиғилиш қатнашчилари мунозара клублари ва халқ дорилфунуқларининг миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш ва байналмилал тарбия бора-сидаги ленинчиларнинг янги мавзуларини тасдиқладилар, республикамизда ва мамлакатимизда бўладиган партия съездлари, олдидан ленинчилар ўқиш тадбирларининг аниқ-равшан режаларини ишлаб чиқдилар.

(ЎЗТАГ)

Ҳар ҳафта шанба сонига

ИШИКМАК

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Аббос МУҲИДДИН тахрири остида



Ҳар хил ўйинлар воситасида болаларда муайян кўникмаларни ҳосил қилиш таълим-тарбияда алоҳида аҳамиятга эга. Ана шу жиҳатга эътиборни қаратган Андижон область Колхозчилик бўлимида 2-болалар босчасининг ахил коллектив катта муваффақиятларга эришмоқда.

Сиз суратда кўриб турган гурӯҳда «Дўкон» деб аталувчи ижодий ўйин ташкил этилган. Тарбияланувчилардан бири соғувчи, қолганлари — ҳардор, Мақсад — савдо маданиятини ўргатиш. Тарбиячи Ёқубхон Йўлдошев эса кичкинотларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турибди.

А. ЧАПЛИГИНА олган сурат.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Сурхондарёда қишлоқ томошабинлари учун театр кўрсаткичи бўлиди. Ушбу номидаги драматик театри коллективини ушбу ўлкадаги табиғий шартлардан фойдаланиб, қишлоқдаги томошабинларнинг кўрсатишларида алоҳида аҳамиятга эга.

Бундан икки йил муқаддам республика модалар уйи ҳузурида ташкил этилган Тошкент модалар театрининг янги программаси «Модалар калейдоскопи» деб номланди. Томошабинлар қишлоқ кўрсатишларида алоҳида аҳамиятга эга.

Область ўлкашунослик музейи залларида андижонлик расмларнинг кўрсатишлари ташкил этилди. Ушбу андижон бадиий-ишлаб чиқариш устaxonалари ташкил этилди. Кўрсаткичи 20 дан ортиқ ёш расм ўз асарлари билан қатнашмоқда.

Республика халқ артисти Исмомил Жадилов ва Ўзбекистон ССР давлат симфоник оркестрининг бош дирижери Имант Қодирнинг таъбири билан тўзилган «Ўзбекистон юлдузлари» камер ансамбли республиканинг энг ахши ижрочи машоққларини билиштирди. Янги коллективнинг биринчи концерти Тошкентдаги «Ваҳор» концерт залда бўлиб ўтди.

Тошкент грампластинлар заводида чиқариладиган янги пластинкада Ўзбекистон композиторларининг органида ижро этиш учун ёзган музика асарлари тақдим этилди. Тошкент консерваторияси муаллими Татьяна Левина ижросида С. Жаллининг «Шарқ фантазиси» ва Г. Мушелнинг «Самарқанд сюитаси», Ф. Янов-Яновскийнинг «Поэма бадиҳаси» ижроти. Асарларнинг ҳар бири шарқ оҳангларига, уларнинг бетакор усуллари ва колоритига мурожаат қилинган. Янги пластинкада кенг тингловчилар оmmasига Ўзбекистон композиторларининг органида ижро этиш учун ёзган асарлари ил бор тақдим этилди.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ

- 4 ФЕВРАЛЬ, ЯҚШАНБА
- 9.00 «Ассалому алайкум», Мусликий а.Бобот.
 - 10.00 «Муаммо билан юзма-юз».
 - 11.15 «Экватор» кemasининг пасажирлари, Бадиий фильм (М. Горький номи киностудия).
 - 12.35 Театр — болаларга. Жасур Исҳоқов, «Бўғалоқ», Жумхурият кўнгирак театрининг спектакли.
 - 13.30 «Ишик — шарафлик ном», Кўнги шаҳридаги «Большевик» заводи ҳақида ҳикоя.
 - 14.00 Сурхондарё вилоятидаги Ленин йўли район «Кўнгирак» фольклор ансамблининг концерти.
 - 14.45 «Танишинг» Фаргона пой-абзал ишлаб чиқариш лашмаси.
 - 17.55 Кўрсатувлар программаси.
 - 18.00 «Велосипедча қочиб кетди», Мультифильм.
 - 18.10 Болалар мусиқа мактаблари тарбияланувчиларининг чиқиши.
 - 18.40 «Ешлик» студияси кўрсатди, «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
 - 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

КИМГА ЁЛҒОН, КИМГА ЧИН

— Қиш қийнаб қўймади-ми? — сўраймиз Урганч шаҳрининг учинчи микрорайонидagi 2 турар жойлардан фойдаланиш идораси бош инженери Одибек Поллоновдан.

— Нега қийналар эканмиз, йигитларимиз ҳаммиса ишга шай, бугун тушган буюртмани дарҳол дундиришайпти, — жавоб қилди у сирли жимликда. Сўнг ишонч билан деди:

— Январнинг 18 кунинда 56 та шикоят қилиб, ҳаммасини ўз вақтида ҳал қилдик. Ҳозир исмаётган битта ҳам уй, хонадон йўқ. — Наҳотки!..

— Сизга ёлғон, менга чин. Ишонмасангиз, хонадонларга кириб кўринг. Еки мана бу... Одибек шундай деб қўлимга «Буюртмалар дафтари»ни тутқазди. Ҳақиқатдан ҳам ҳамма буюртмалар қаршига «бажарилди» деб ёзиб қўйилди.

Иккилаб турган эдим, Одибек тақдир қилди: — Бизнинг тасарруфимизда 49 та уй, 1990 та кватирара бор, хоҳлаганингизга боришимиз мумкин.

Мен тавakkал қилиб 3 ва 31-уйларни ташладим.

Мана, 31-уйдаги хонадондамиз. Ошхонада газ ёқиб қўйилди. Шунга қарамасдан ичкарининг ташқаридаги фарқи кам. Болалар совуқ хонада жунжиқиб ўтиришди. Иситиш батареялари муздай, ушласангиз, қўлингиз зирқрайди.

Хонадон соҳибни Каримбой Матқурбонов «Бунёдкор» кооперативда ишларкан.

ЭГАСИЗ

Одамлар, хо одамлар, эшитмади деманглр, эшитганлар қолманглр! Бойсув районидаги «Кўрғонча» совхозда бўлган «тантана» кечасига марҳамат. Галининг индалосини айтсак, бунақанги антиқа юбилей етти улаб тушингизга ҳам кирмаган бўлса керак. Фаройиб томоша ва учрашувлардан бебахра қолмай десангиз, йўлга отланаверинг!

ҚИСҚАЧА ИЗОҲ: Совхоз чорвачилик ҳамда богдорчиликка ихтисослашган. Белгиланган план-топширмалар ошган билан адо этилмоқда. Шунингдек, мўл ва сара беда уруғи ҳам етиштирилляпти. Хўжалик 1987 йилда эришган юкори кўрсаткичлари учун тармоқ министрлиги томонидан «Эгасиз» машинаси ҳамда пул мукофоти билан тақдирланган... Лаббай! Йў-е, «тантананинг босиси бошқа. Бирпас сабр қилсангиз, ҳаммасини тушиниб оласиз.

ТАРИХДАН БИР ШИНГИЛ: Қайроқ, Дуоба, Гўнматек, Кўрғонча, Дийбона ва бошқа қишлоқлар илгари «Бойсув» совхозига қарарди. Уларни оралаб ўтган йўллардан юрши жонинг азоби. Ёзда чанг, қишда лой, «Ишбилармон» рақиблар омон бўлишсини. 1980 йилда «Кўрғонча» совхози ташкил этилган. 29 чакрими масофани асфальтлаш масаласи кўндаланг қўйилди. Казо-казо ташкилотлардан мутахассислар тақдир этилиб, режа устига режа тузилди. Биров бу йўлни аввалги йўналиш бўйича кўрсаткич деса, бошқаси сув бўйи ёқалаб давом эттириш керак, деб туриб олди. Машҳур эртақдагидек, оққуш қараганин кўнма, қўртанбалки суғга, учининсин... Ниҳоят, Қайроқ сув йўли бўйлаб асфальт ётқизилган бўлди. Одамларнинг оғзи кўндаланг, «Ораунигиз ушаладиган кун ҳам бор экан-ку. Хайрат-ку!» — деб қўншарди баъзилари.

Ҳолва деган билан оғзи чўнмади. Дунёда нима кўп-бахона. Йўл қурувчилар ана шундай бахоналардан бирини рўнча қилишди-ю, гоиб бўлишди. Ушандан берн чечо қовун пилини ўтди. Қор ёғди, лекин излар босилмади. Мана, ун бир илдирик, йўлнигиз эгаси йўқ, ҳамон чала. Ёлғон бўлмасин, шу муздак кичида баъзи бир жойларга пёзастидек асфальт ётқизилди, холос.

Дарвоқе, қанақа юбилей дейсизми! Қаранг-а, сал бўлмаса ёддан кўтарилай дебди. У ёғини сурштирсангиз, аслида назорат йўл қурилиш 1940 йилда бошланган. Ушандан берн ичакдек нўзб келинляпти. Энди тушунари бўлганда! Туя гўшти еган. 29 чакрими ана шу йўл яқинда эллик «ёшга» тулди. Ҳазиллакам санам бу! Уша йили туғилганлар ҳозир неварали бўлишди. Давранинг тўри шуларники-да.

ЭСЛАМАТ: Йўл қурилишининг бошида турган, улардан сўнг «застафанин» олиб, «Шуям муаммо бўлтим, қотириб ташлаймиз!» — дея ваъдан катта, ишик катта қилган барча мутахассис рақиблар «юбилей» кечасига лутфан тақдир этилад. «Мўнчани» уларга аталган «қўтлов» сўзларини газета орқали йўлламоқчи. Нима ҳам деймиз, чаккиннинг давоси даки-да! А, лаббай!

И. АҲМЕДОВ.

ҚИШ АЙБДОР ЭМИШ

Табият — табиат-да. У инсон хоҳиш-иродасига бўйсунмас экан. Қиш ташвишнинг деҳқон-нободлик муаллимилардан сўранг. Воқеа тафсилоти бундай: Райондаги Титов номи урта мактаб биноси эскирган, шартли кетиб парти қолган эди. Узоқ тортишувлардан сўнг 1987 йилда 834 ўқувчига мўлжалланган янги ўқув корпуси бунда этилибди. Бундан Механизациялашган 246-ўқувчи колония «шошозлар» бу ишнинг кафиригини олишаркан: «Тез ва соғ қуриш қандай бўлиши қўрсатиб қўямиз!» — дея писанда қилишган эди. Айтилган сўз — отилган ўқ. Чиндан ҳам янги бино жадал ҳал қостирди, 1989 йил биринчи сентябрда дастлабки ўқувчиларни қабул қилди. Мактаб муаллими-лар коллективни унча-мунча катталикларга аҳкамият бермай, келмаганга энг бўлганда, эски жикозларни амал-тақал билан ишлаб келётган эди. Янгиси қаёқда дейсиз. Борига бара-када.

Кўндаланганда бало-казодай бостириб келган қаҳратон қиш барча умидларни пунча чиқарди. Тез орада мактабга мактаб биносининг «тахрири» билдики: деворлари ёмирилди, совуқлари кўнб туша бошлади. Аиникса, ёғин-сочинли кунларда ташвишнинг чеки йўқ. Дархоналар совуқ, томина чакка ўтади. Қозонхона бору ишламайди, носоз. Со-вудан жунжиқиб, тишлари ташларига тегмай, қунишиб

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Енғоқ — нархи йилдан-йилга баландга юмалаётган нисбат.

Гуши — ёлғонга тўн кийдирадиган одамнинг исмига тираладиган сўз.

Виждон — чайғочига меҳмон бўлмайдиган фаёлат.

Кўлака — дангасанинг боги эраи.

Дўмбира — бахшлардан қолган мерос.

Агроном — «юкори»дан бериладиган қўрсатмаларга асосланган, ўзича бирор масалани ҳал қилмайдиган мутахассис.

Тухмат — қасоскорнинг оддий, лекин тошни тешадиган гурусни.

Танноз — ота-онанинг ҳаёмида ўсиб улғайган, қўлидан ҳеч вақо келмайдиган арзанда.

Даллол — бозорнинг курмаги.

Қарор — қозоғда қилиб қетадиган вадалар мажмуаси.

Тўловчи: Р. РАҲИМОВ.

Насрий масаллар

ЗАРПЕЧАК
— Менга рухсат беринг — қўлингиз бўлай, қаддингизни беэаб сулингиз бўлай, — деди Зарпечак Пёзаста тиришиб. Ленин кўп ўтмади, у пёзастинг рангини заъфаронга айлантириб, холини хароб қилди.

ҚОРА ПАШША
Хонага кириб қолган қора пашша ҳадеб гўнгилаб, нишининг гашига тегарди. Очқи даричани кўрсатган ўзини нуқул ойнага урарди. — Яъининг тополмас экансан, бу ошнёнга кириб нима қилардинг...

БАҚАТЕРАН
Сайхонликда ўсган бақатерани шамол кўтариб агариб кетди. — Тарвақайлаб шох ёйгандан кўра чуқурроқ идиб отсанг бўлмай-димки! — дейишди унга.

ЎРТИМЧАК ИНИ
— Ҳе-ниш менчаки тез, ажойиб ни кура олмайд, — деб қолди ўртимчак бир кун.

Лекин нафсинг йўлда курган маир-ҳўла унингни бузиб, ташлаш учун озгина ҳаракат кифол, — дейишди унга.

КАВАК ТИШНИНГ ДАРДИ
— Кўндаланг тўнликда кўнжига, деб зигирденика гўштин олиб қолган эдим, кўриб нетгур тиш новлагич шуни ҳам топи-ди!

ТИЛО ДЕБИКИ...
— Ҳа, одамларнинг кўзларини ўнатиб юрибсанми? — деб сўрашди бир кун Тилодан.

— Фақат кўзларинингизга эмас, ўзларини ҳам ўнатарайман, — деб жавоб қилибди Тило.

ҲАДИҚЧИ
— Қаранг: дарёнинг тўлиб оқишини, Шу сувдан бир ховуч ичай... — Йўқ, шошманг, сўраш керак. рухсат олиш керак... Тагин гап тегиб-нетиб юрмасин... Эҳтиёт ахши-да...

МАНЗАРА
— Мен жуда юксакман, — деди Тоғ.
— Мен эса бепойман, — деди Денгиз.

Уларни кўтариб турган Она-ер ўз фарзандларининг наволини кўриб хурсанд бўларди-ю, эймо индамасди.

ҲАВАС ВА ҲАСАД
— Кўшнинг чарақлашини кўринг, қандай ажойиб-а?
— Яхшилик қаранг, ичи тўла доғ-ну...

М. ХУДОЙҚУЛОВ.



— Хўжайин, молларнинг озуқаси тугаб қолди... — Мен юқорига ем-хашак етарли, деб маълумот берганман. Бир амалланглр!

СПОРТ АХБОРОТИ

ФУТБОЛ

Шу кунларда мамлакатининг қатор командалари чет эл сафарига чиқиб, янги мавсумга тайёргарлигини давом эттиряптилар. Масалан, СССР олимпия командаси Таиландга, Москвадан «Торпедо» коллективини Австралияда меҳмон бўлиб турибди. Олимпиядачиларимиз Бангкок шаҳрида бошланган халқаро мусобақада қатнашляптилар. Унда саккиз мамлакатнинг ёшлар терма командалари голиблик учун курашмоқда.

Футболчиларимиз халқаро мусобақадан илк учрашувини Индонезия терма командаси билан ўтказдилар. Матч ватандошларимиз устундигида ўтди. Буни умумий ҳисоб ҳам яққол кўрсатиб турибди. Ёшларимиз рақибларни дарвозасига жавобсиз бешта тўп йўлладилар. Улардан учтасини иқтидорли ҳужумчи Олег Саленко киритди.

Австралия бўйлаб саёҳат қилаётган Москва торпедочилари яна бир галабани қўлга киритдилар. Улар Вуллонгонга шаҳрида мамлакат миллий лигасининг кучли ўйинчилари жалб этилган Янги Жанубий Уэльс терма командасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тўплари А. Рудаков (иккита) ва В. Гречнев киритдилар.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси мавсумга тайёргарлигини давом эттиряпти. Республикаимизнинг кучли коллективни қуни кеча Фарғонада маҳаллий «Нефтьник» клуби соврини учун бошланган мусобақада қатнашмоқда. Пахтакорчилар биринчи учрашувини олий лига вакили — Душанбенинг «Помир» командаси билан ўтказдилар. Унда тожик футболчиларининг қўли баланд келди: 2:0.

Яқинда мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида бу йилги мусобалар календари эълон қилинди. Унга кўра командалар мавсумни 7 апрелда бошлаб, сўнгги учрашувини 8 ноябрда ўтказадилар.

Қўнда газетхонларини пахтакорчиларинг аялрей ойдаги ўйинлари билан таништирамиз.

7 апрель. «Зенит» (Ленинград) — «Пахтакор».

10 апрель. «Нефчи» (Боку) — «Пахтакор».

17 апрель. «Пахтакор» — «Нистру» (Кишинёв).

20 апрель. «Пахтакор» — «Металлург» (Запорожье).

26 апрель. «Локомотив» (Горький) — «Пахтакор».

29 апрель. «Факел» (Воронеж) — «Пахтакор».

ФИГУРАЛИ УЧИШ

Ленинградда спортнинг энг нафис ва гўзал бу тури бўйича китля биринчилиги ўталди. Жуфт бўлиб сўрағалишда Е. Гердеева ва С. Гриньковдан иборат спортчиларимиз яна илқиб боллар олишига сазовор бўлдилар. Улар ҳаммадан кўп балл тўплаб, ҳурмат шохсунасининг юкори логосинига кўтарилишди.

Шуниси қўвондики, кумуш ва бронза медаллари ҳам совет фигурачиларига тегди. Л. Селезнева — О. Макарова, Н. Мишуктенок — А. Дмитриев жуфтликлари ана шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

Янқа тарзда фигурали учинида меҳсословиялик П. Барна пешқадамлик қилмоқда. Одессали В. Загородник иккинчи ўринда борапти.

Жуфт бўлиб рақса туювчилар ҳам баҳсини бошладилар. Унда Европа ва жаҳон биринчиликлари голиблари М. Климова билан С. Пономаренко дастлабки кўнги машқлардан сўнг олдинга чиқиб олишди.

Челябинскдан кўрсатди. Чалкашликлар: «Вера ва Анфиса тўғрисида», «Вера ва Анфиса ённини ўчиришди», «Вера ва Анфиса мактабда дарсда».